

Вафотлари



21:00 / 02.06.2019 2374

Ҳафса онамиз розияллоху анҳо ҳижрий қирқ бешинчи сананинг Шаъбон ойида вафот этдилар. Ўша пайтда у кишининг ёшлари олтмишда эди.

Имом Абу Довуд ва Термизий Икрима розияллоху анҳудан ривоят қиладилар:

«Ибн Аббосга Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг завжаларидан бири ҳақида «Фалончи ўлибди», деб айтилди. Бас, у саждага йиқилди. Сўнгра унга:

«Ушбу соатда ҳам сажда қиласанми?» дейилди.

Бас, у: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам «Қачон бир оят кўрсангиз, сажда қилинглар», деганлар. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг завжаларининг кетишларидан ҳам каттароқ оят борми?» деди.

Бошқа ривоятлардан аниқланишича, бу ҳодиса Ҳафса онамиз вафот этганларида бўлиб ўтган. Улуф саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламнинг завжаларидан бирининг вафоти ҳақидаги хабарни эшитишлари билан худди улкан фожиа содир бўлгандек, Аллоҳга ёлвориб, тазарру қилиб, саждага йиқилганлар. Бунга гувоҳ бўлиб турганлар ажабланиб, «Бир одамнинг ўлимига шунчалик

қиласанми?» деган маънода савол беришган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу бўлса, бу ишни ўзларича эмас, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларига биноан қилганларини айтганлар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам «Борлиқда воқеъ бўладиган ой ёки қуёш тутилиши, зилзила, бўрон, сел каби хавфли, даҳшатли оятларни кўрган чоғингизда саждага йиғилинглр», деб амр қилган эканлар.

Ибн Аббосдек улуғ олим саҳобийнинг фикрларича, сарвари олам Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга ёстиқдош бўлган, мўминларга она бўлиш шарафига муяссар бўлган буюк зотлардан бирларининг вафот этиши дунёда воқеъ бўладиган ҳар қандай даҳшатли ҳодисадан ҳам кучли бир ҳодисадир.

Чунки оналаримиз муборак инсонлар эдилар. Уларнинг вужудлари кўплаб хайр-баракага сабаб бўлиб турар эди. Улардан бирларининг бу дунёдан ўтишлари ҳақиқатда мўмин-мусулмонлар учун катта йўқотиш ва улкан мусибатдир. Шунинг учун бундай ўлим хабарини эшитганда албатта сажда қилиш керак.

Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳонинг жанозаларини ўша вақтдаги Мадинанинг амири Марвон ибн Ҳакам ўқиганлар. Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳонинг тобутларини Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу кўтаришиб борганлар. У кишининг Бақийъдаги қабрларига укалари Абдуллоҳ ва бошқа маҳрамлари тушганлар.

Аллоҳ таоло Ҳафса онамиз розияллоҳу анҳодан рози бўлсин!